

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

МАНСУРОВА НАРГИЗА АСРОРОВНА

**ЎЗБЕК ВА ЯПОН МИЛЛАТЛАРИДА ПАРКИНСОН
КАСАЛЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ КЛИНИК ВА
ПАТОБИОХИМИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНинг АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Contents
of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мансурова Наргиза Асроровна

Ўзбек ва япон миллатларида Паркинсон касаллигининг қиёсий
клиник ва патобиохимик жиҳатлари.....3

Мансурова Наргиза Асроровна

Сравнительные клинико-патобиохимические аспекты болезни
Паркинсона у лиц узбекской и японской национальности 23

Mansurova Nargiza Asrorovna

Comparative clinical and pathobiochemical aspects of Parkinson's disease
in uzbek and japanese nationalities41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАНСУРОВА НАРГИЗА АСРОРОВНА

**ЎЗБЕК ВА ЯПОН МИЛЛАТЛАРИДА ПАРКИНСОН
КАСАЛЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ КЛИНИК ВА ПАТОБИОХИМИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib645 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Прохорова Анна Владимировна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хайдарова Дилдора Кодировна
тиббиёт фанлари доктори

Christopher H. Hawkes
тиббиёт фанлари доктори
(Буюк Британия)

Етакчи ташкилот:

Seoul National University Bundang Hospital
(Жанубий Корея)


Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 13 «октябрь» куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» сентябрь да тарқатилди.
(2020 йил «28» сентябрь даги 5 рақамли реестр баённомаси)




Д.Т.Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори


С.С.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди


Г.А.Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда Паркинсон касаллиги полиэтиологик омилга эга бўлган касалликлар қаторига кириб, нигростриар тизимда дофаминергик ўтказилишининг бузилиши натижасида юзага келадиган касаллик ҳисобланади. Паркинсон касаллиги (ПК) нейродегенератив хусусиятга эга бўлиб, учраш сони бўйича иккинчи ўринда туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Паркинсон касаллиги «...аҳоли орасида умумий кўрсаткичида 6,1 миллион, аёллар орасида 2,9 миллион (47,5%), эркекларда 3,2 миллион (52,5%), уларнинг 14,8% и даромади кам мамлакатларга тўғри келади...»¹. Жаҳон миқёсида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ёшга қараб беморлар сонининг кўпайишини кўрсатмоқда. Паркинсон касаллиги «...беморларда ҳаракат бузилиши, когнитив бузилишлар, дезадаптация ва ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келиши исботланган...»². Юзага келадиган ушбу муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини белгилаб беради. Ушбу муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш тизимини яратиш бугунги кунда тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ўзбек ва япон миллатларида Паркинсон касаллигининг қиёсий клиник ва патобиокимёвий жиҳатлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада Паркинсон касаллигининг эндоген ва экзоген омиллари таъсирини асослашдан иборат. Паркинсон касаллигининг ўзига хослигини ўзбек ва япон миллатларида жинс бўйича қиёсий жиҳатдан баҳолаш натижаларни асослашдан иборат. Паркинсон касаллигининг клиник кўринишлари ва фармакологик асоратлари орасидаги ўзаро боғлиқликни ўзбек ва япон миллатига хос шахсларда асослаш ҳамда қонда D витамини концентрацияси ва Паркинсон касаллигининг клиник кўринишлари орасидаги ўзаро боғлиқликни қиёсий баҳолаш натижасида исботлашдан иборат. Паркинсон касаллигида самарали даволаш ёндашувини ишлаб чиқиш ва Паркинсон касаллигининг нохуш якуни хавфи эҳтимолини баҳолаш учун прогностик шкалани ишлаб чиқиш ва касалликни бирламчи тиббиёт бўғинида эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, минтақаларни инобатга олган ҳолда турли миллатлар орасида Паркинсон касаллигини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва

¹ЖССТининг 2016 йилги ҳисоботларининг натижалари.

²Дефицит витамина D у взрослых: диагностика, лечение и профилактика: Клинические рекомендации // Российская ассоциация эндокринологов. - 2015. - №6. – С.68-79.

даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида соматик касалликларни камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали Паркинсон касаллиги ривожланиши хавф омилларининг асоратлари натижасида юзга келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паркинсон касаллигининг клиник ва патогенетик муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, унда хавф омилларнинг олдини олиш, шунингдек, касалликнинг клиникаси ва динамикаси бўйича бир қатор илмий ишлар ўтказилмоқда. Замонавий қарашларга кўра, ПК кўп омилли табиатга эга (Bjornestad A. et al., 2018). Патогенетик жараённинг ривожланиши хавф омилларига заҳарли кимёвий бирикмалар (пестицидлар), юқумли агентлар, бош мия жароҳатлари ва бошқалар кириши аниқланган (Wirdefeldt K. et al., 2011). Сўнгги йилларда D витамини хужайраларнинг модуляция механизмида, масалан, пролиферация, табақаланиш, иммун бошқариш каби муҳим жараёнларда роль ўйнаши ва ПКда кўпинча D витамини етишмаслиги бўйича тобора кўп далиллар пайдо бўлмоқда (Кнект Р., 2010). Қон зардобиддаги D витамини даражасининг пасайиши ПК ривожланиш хавфи билан сезиларли даражада боғлиқлиги кўрсатилган (Хиаоуе L., 2018). Қатор тадқиқотчилар таъкидлашича, ПК клиник намоён бўлишининг авж олиш тезлиги суръатини касалликнинг илк бошланиши ва биринчи клиник симптомлари характериға боғлиқ (Левин О.С ва ҳаммуал., 2012). Жумладан, касалликнинг титроқ билан бошланиши, энг камида биринчи ўн йил ичида секин тезликда авж

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

олиши ҳақида талқин қилинади (Иллариошкин С.Н ва ҳаммуал., 2012). Сўнгги йилларда, мотор ва мотор бўлмаган симптомлар ПК билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилиши аниқланган (Камакинова А.Б., 2015).

Ўзбекистонда паркинсонизм муаммоси бўйича илмий изланишларни Халимова Х.М ва бошқалар олиб борган (2010; 2011; 2012). Паркинсон касаллиги билан хасталанган беморларнинг 15-20%да асосий ирсий табиатига мойиллиги исботланган (Маджидова Ё.Н., 2011). ПК ва айниқса, унинг кенгайтирилган шакллари, тез ривожланиш тезлиги шаҳарларга қараганда қишлоқ аҳолисида кўпроқ кузатилиши ва оғир кечиши аниқланган (Халимова Х.М., Раимова М.М., 2014). Сўнгги йилларда ПК этиологияси, патогенези ва патофизиологияси масалаларини ишлаб чиқишга қаратилган биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар давом этмоқда. Бу янги биомаркерларни аниқлаш ҳамда тавсифлашга имкон беради, натижада патогенетик механизмни тушунишни сезиларли кенгайтиради (Рахимбаева Г.С ва ҳаммуал., 2018), бироқ, ўзбек ва япон миллатларида паркинсон касаллигининг қиёсий клиник ва патиобиокимёвий жиҳатлари самарадорлигини очиб берилмаган.

Д витамини етишмовчилигининг ПК патогенезида тутган ўрнини аниқлаш терапевтик ёндашув ва реабилитация чораларини ишлаб чиқиш учун унинг танқислиги даражаси билан касалликнинг клиникаси ва якунини анча чуқур ўрганиш зарурлигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» (2014-2018) ҳамда Япония Юнтендо Университетининг №16-031031 «JUGSM, cooperating researcher» гранти лойиҳаси (2016-2017) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Паркинсон касаллигининг ўзбек ва япон миллатларига хос шахсларда қиёсий баҳолаш ҳамда клиник ва биокимёвий хусусиятларини инобатга олиб даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Паркинсон касаллиги клиник кўринишларининг ўзига хослигини ўзбек ва япон миллатларида жинс бўйича қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

Паркинсон касаллигининг клиник кўринишлари ва фармакологик асоратлари орасидаги ўзаро боғлиқликни ўзбек ва япон миллатига хос шахсларда баҳолаш;

қонда D витамини концентрацияси ва Паркинсон касаллигининг клиник кўринишлари орасидаги ўзаро боғлиқликни қиёсий баҳолаш;

Паркинсон касаллигида даволашга ёндашувни 25(ОН)D нинг дастлабки концентрациясига боғлиқ равишда оптималлаштириш;

Паркинсон касаллигининг нохуш якуни хавфи эҳтимолини баҳолаш учун прогностик шкалани ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2018 йилларда Бухоро вилоятидаги шифохоналар ва Юнтендо Университетининг клиник шифохонасида Паркинсон касаллиги билан даволанган 241 нафар беморлар, улардан 138 нафари япон миллати ва 103 нафари ўзбек миллатига мансуб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўзбек ва япон миллатига мансуб Паркинсон касаллиги билан хасталанган беморларнинг қон зардобида D витаминининг миқдорини аниқлаш учун веноз қон материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда клиник, неврологик, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллигининг япон миллатига нисбатан ўзбек миллатига мансуб эркакларда касаллик дебют ёши анча кеч, аралаш шаклининг устунлиги, когнитив бузилишларнинг анча яққоллиги ва аёлларда мўтадил когнитив бузилишлар ишончли кам ҳамда ҳаракат бузилишлари анча яққол кечиши асосланган;

Паркинсон касаллигида хулқ-атвор бузилишини келтириб чиқарувчи хавф омиллари асосан эркакларда, дебют ёши эрта бўлган, комбинирланган даволашда леводопа ва допамин агонистларини олган беморларда исботланган;

D витамини концентрацияси даражаси билан касаллик босқичлари ва мотор ҳамда когнитив бузилишлар орасидаги ишончли боғлиқлик ўрнатилган ва 25(OH)D нинг бошланғич паст концентрациясида D витаминини комплекс даволаш схемасига киритилиши беморлар когнитив фаолият ва ҳаёт сифатини ишончли даражада яхшилаши аниқланган;

Паркинсон касаллигининг ўзбек ва япон миллатига мансуб шахслардаги мотор ва мотор бўлмаган бузилишлар намоён бўлишининг таҳлиллари натижасида прогностик шкала клиник амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллигинининг эркак ва аёлларда ўзига хос кечиши баҳоланган;

Паркинсон касаллигида хулқ-атвор бузилишини келтириб чиқарувчи хавф омиллари жинс ва дофаминергик даволаш схемаси билан боғлиқлиги баҳоланган;

Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларни текшириш протоколига қон зардобидаги 25(OH)D концентрациясини аниқлаш ва нейропсихологик шкалалар ёрдамида когнитив функцияларни ўрганишни киритиш зарурлиги баҳоланган;

D витамини етишмовчилигида (20-30 нг/мл) Паркинсон касаллиги терапевтик даволаш схемасига 7000МЕ миқдорда колакальциферол D3 4 ҳафта давомида қўшиш зарур, D витамини танқислигида 8 ҳафта давомида (<20 нг/мл), кейинчалик 2000 МЕ қўллаб-қувватловчи дозада узоқ муддат киритиш зарурлиги баҳоланган;

Паркинсон касаллигининг ноҳуш якуни хавфи эҳтимолини баҳолайдиган прогностик шкала ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, лаборатор ва статистик усуллар асосида ўзбек ва япон миллатларида Паркинсон касаллигининг қиёсий клиник ва патобиокимёвий жиҳатларининг самарадорлигини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Паркинсон касаллигида 25(ОН)D концентрациясини аниқлаш даво чораларининг самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган прогностик шкала касалликнинг ривожланиш хавфини, кечиши оғирлигини ва натижасини ташхислашга ва даволаш чораларини оптималлаштиришга ёрдам беради. ПКнинг даволаш самарадорлигини яхшилаш учун даволаш схемасига коллакальциферол D3 қўшиш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва япон миллатларида Паркинсон касаллигининг қиёсий клиник ва патобиокимёвий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Паркинсон касаллигининг даволаш чораларини оптималлаштириш учун D витаминининг қўлланилиши» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 01 мартдаги 8н-д/58-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аҳоли турли қатламлари орасида Паркинсон касаллигини эрта ташхислаш, касаллик аломатлари ривожланганда даволаш тактикасини танлаш ва даволаш самарадорлигини оширишда D витаминининг қўллаш ва касаллик ривожланишини олдини олиш учун керакли чораларни амалга ошириш имконини берган;

Ўзбек ва япон миллатларида Паркинсон касаллигининг қиёсий клиник ва патобиокимёвий жиҳатларининг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаларнинг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 02 июлдаги 8н-з/71-сон хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши Паркинсон касаллигини билан хасталанган беморларнинг аксариятида D витамини етарли таъминламаслиги, касаллик босқичи, когнитив бузилишларнинг оғирлик даражаси қонда 25 (ОН) D концентрацияси миқдори билан ишончли боғлиқликка эга бўлиб, бу уни юқори сезгир башорат қилувчи сифатида

қўллашга имкон бериши, беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш, ўз-ўзига хизмат қилиши имкониятини ошириши ва ремиссия муддатларини узайтириш имконини берган.

Тадқиқотнинг натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган изланишларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсади ва изланиш вазифалари келтирилган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республикаимизнинг таълим ва технологиясининг ривожлантириш устувор йўналишларига илмий ишларнинг мослиги кўрсатилган. Изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Паркинсон касаллиги этиопатогенези, клиникаси, ташхисоти ва даволашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича бажарилган маҳаллий ва хорижий изланишларнинг илмий манбалари батафсил таҳлил қилинган. Этиология, патогенез, клиника ва даволаш протоколлари синчковлик билан таҳлил қилинган. Беш бўлимдан иборат умумий адабиёт шарҳи, йилдан йилга учраш сони ортиб бораётган ва ҳаёт сифатининг сусайишига ва ногиронликка олиб келувчи ПКнинг муаммоларига бағишланган бўлиб, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш муҳимлигини исботлайди.

Диссертациянинг **«Паркинсон касаллигини самарали ташхислаш ва даволаш материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва усуллари келтирилган, бунда тадқиқотга киритилган беморларга тавсиф берилган, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган.

Ушбу илмий ишнинг асосини ташкил қилган клиник материал ПК билан касалланган 241 нафар беморларнинг текшириш натижаларини олган, улар орасида 138 нафар япон ва 103 нафар ўзбек миллатига мансуб беморлар.

Когорт тадқиқоти иккита давлатда: Японияда Токио Юнтендо Университетидаги ҳаракатлар бузилиши бўлимида, Ўзбекистонда Бухоро шаҳридаги тиббий мауссасалар ва Тошкент тиббиёт академиясида, 2015-2018 йй.да амалга оширилган. ПК ташхиси Буюк Британиянинг Паркинсон касалликлари Жамияти Бош Мия Банки клиник-ташхисот мезонлари бўйича қўйилган, ПК оғирлик даражаси Хен ва Яра шкаласига мос равишда баҳоланган, ҳаракат бузилишларини яққоллигини баҳолаш UPDRS шкаласи –

III қисми бўйича ўтказилган, когнитив функциясини текшириш MMSE ва MoCA шкаласи бўйича, импульсив-компульсив бузилишларни (ИКБ) баҳолаш QUIP-J сўровномаси ва ҳаёт сифати PDQ-8 шкаласи бўйича амалга оширилган. Паркинсон касаллигига қарши дори воситаларини объектив баҳолаш учун леводопанинг эквивалент дозалари ҳисоблаб чиқилган. Беморларнинг лаборатория тадқиқотларини Юнтендо илмий-тадқиқот Университети базасида ва Бухоро шаҳридаги «Sitodiagnostik» лаборатор-ташхисот марказида олиб борилган. Беморларга витамин D билан таъминганлик даражасини баҳолаш учун қачондир текширув буюрилганми, ҳамда D витаминнинг қайсидир дори воситаларига буюрилганми каби саволларга жавоб бериш тавсия қилинган, агар буюрилган бўлса, миқдори, тартиби ва тавсия этилган даволашнинг давомийлигини аниқлаштириш талаб қилинган. Иштирокчиларнинг ҳеч бири суяк ва витамин D метаболизмига таъсир қилиши мумкин бўлган антиостеопоротик препаратлар (масалан, глюкокортикоидлар, гепарин, варфарин, тироксин, половые жинсий гормонлар, бисфосфонатлар, эстроген рецепторлари селектив модуляторлари (ЭРСМ), кальцитонин ёки кальцитриол) каби дорилар қабул қилмаган.

Қон текшируви қуйидагича амалга оширилган: эрталаб венадан қонни (~5 мл) наҳорга кейинчалик қон зардобиди 25(OH)D концентрацияни аниқлаш учун 25-OH Vitamin D total (vit-D-Direct) test system бўйича тўпلامда келтирилган кўрсатмаларга мувофиқ; D витамин билан таъминганлик даражаси Халқаро эндокринологлар жамияти (2011) ва Holick мезонларига мос равишда баҳоланган. ПК бўлган беморларда витамин D етишмовчилиги ва танқислиги тарқалиши назорат гуруҳи билан Фишер аниқ мезонидан фойдаланиб таққосланган. Халқаро Эндокрин жамияти витамин D ни баҳолашнинг қуйидаги мезонларини тақдим этади: зардобнинг 25(OH)D даражасидан фойдаланиб етарлилик/етишмовчилик/танқислик: зардобнинг 25(OH)D даражаси 30 нг/мл ёки ундан ошса, витамин D учун етарли саналади; зардобнинг 25(OH)D даражаси 30 нг/мл дан паст, лекин 20 нг/мл дан юқори бўлса, витамин D етишмовчилиги саналади; зардобнинг 25(OH)D даражаси 20 нг/мл дан кам бўлса, витамин D учун танқислик саналади.

Тадқиқотда олинган маълумотларга ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларини киритилган ҳолда, шахсий компьютерида Microsoft Office Excel-16.13.1, Prism 7 дастурий таъминот тўплами ёрдамида статистик ишлов берилган. Вариацион, параметрик ва непараметрик статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг арифметик ўртача қиймати (M), ўртача

квадратик оғиш (σ), ўртачанинг стандарт хатоси (m), нисбий катталиклар (частота, %) ни ҳисоблаш билан амалга оширилган. Икки мустақил танланманинг меъёрий тақсимланган миқдорий белгиларини таққослаш таҳлили учун Стъюдент мезони қўлланган. Статистик таҳлилнинг барча турлари учун фарқларни ишончилилик $P < 0,05$ даражасига етганда статистик аҳамиятли деб ҳисобланган.

Феноменологик таснифга асосланиб, беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: Паркинсон касаллигининг титроқ шакли (ПК ТШ), акинетик-ригид шакли (АРШ) ва аралаш шакли (ПК АШ). Ўзбек гуруҳида Паркинсон касаллиги билан касалланган беморларда энг кўп аралаш шакл $49,5 \pm 4,97\%$, энг кам титроқ шакли $19,4 \pm 3,90\%$, япон гуруҳида энг кўп тарқалган акинетик-ригид $35,5 \pm 4,07\%$ ва титроқ шакли $49,3 \pm 4,26\%$, аралаш шакли камроқ $15,2 \pm 3,06\%$ учраган ($P < 0,05$).

Ҳаракат динамикаси бузилишларини баҳолаш учун Хен-Яр мезонига мувофиқ қуйидаги босқичлардан фойдаланилган: касалликнинг эрта босқичи (Хен-Яр бўйича I-II-босқич) $29 \pm 3,86\%$ беморларда, кенгайтирилган (Хен-Яр бўйича III босқич) $60,9 \pm 4,15\%$ беморда, кеч (Хен-Яр бўйича IV-V-босқич) босқич $10,1 \pm 2,57\%$ япон гуруҳидаги беморларда аниқланди, мос равишда $31,1 \pm 4,56\%$, $52,4 \pm 4,92\%$ ва $16,5 \pm 3,67\%$ ўзбек гуруҳидаги беморларда аниқланган. Шундай қилиб, Хен-Яр мезони бўйича иккала гуруҳда III босқичдаги беморлар устунлик қилишди.

Касалликнинг ривожланишига кўра биз беморларни < 49 эрта, $50-69$ ўрта ва > 70 кеч бошланиш даврларига бўлдик. Касалликнинг бошланиш дебюти ҳар икки гуруҳда ўрта бошланиш даврига тўғри келди ($P < 0,05$).

Диссертациянинг «**Ўзбек ва япон миллатидаги беморларда ПК нинг клиник кўринишлари**» деб номланган учинчи бобида ўзбек ва япон миллатидаги беморларда ПКнинг клиник кўринишлари ва фармакологик асоратларининг жинс бўйича қиёсий таҳлили ўрганилган.

Анаманезга кўра, ушбу касалликнинг ўртача бошланиш ёши (беморлар ПК аломатларини сеза бошлаган вақт) япон гуруҳидаги эркакларда $50,7 \pm 0,93$, аёлларда $57,8 \pm 0,99$ ёш, ўзбек гуруҳидаги эркакларда $54,5 \pm 1,15$, аёлларда $55,4 \pm 1,53$ ёшни ташкил қилган. Япон гуруҳида эркаклар япон аёлларга нисбатан ёшроқ, касалликнинг бошланиш дебюти иккала гуруҳдаги аёлларни таққослаганда фарқ кузатилмаган ($P > 0,05$). Япон гуруҳининг эркак беморлари ўзбек гуруҳидаги эркакларга қараганда ёшроқдир ($P < 0,05$).

ПК беморларни клиник шакллари бўйича гендер гуруҳларида жинсга қараб тақсимланганда қуйидаги маълумотлар аниқланган: ўзбек гуруҳида эркаклар АРШ ($30,9 \pm 5,60\%$) билан ишончли даражада камроқ, АШ билан ($44,1 \pm 6,02\%$) эса япон миллатидаги эркакларга нисбатан (мос равишда $52,8 \pm 5,97\%$ ва $14,3 \pm 4,18\%$) кўпроқ (1-жадвал). Ўзбек гуруҳида АШ билан ($60,0 \pm 8,28\%$) аёллар япон гуруҳидаги ($16,2 \pm 4,47\%$) аёлларга нисбатан сезиларли даражада статистик кўпроқ ($P < 0,05$).

Ногиронлик даражаси бўйича Хен ва Яр таснифига мувофиқ, ҳар икки гуруҳда III босқичдаги беморлар устунлиги аниқланган. Ўзбек гуруҳида эркаклар 39 (57,3±7,92%) нафар, аёллар 14 (40,0±13,1%) нафар, япон гуруҳида эркаклар 34 (48,6±8,57%) нафар, аёллар 50 (73,5±6,24%) нафар бўлган. Ўзбек гуруҳида II ва III босқичда аёл жинсига мансуб беморлар (42,9±8,37% ва 40,0±8,28%) япон гуруҳидаги аёлларга нисбатан ишончли кўпроқ (мос равишда 19,1±4,76% ва 73,5±5,35%, $P<0,05$). II босқичдаги аёллар (57,9±1,96%) япон гуруҳидаги аналогик босқичдаги аёлларга (64,8±2,18%) нисбатан анча ёшроқ ($P<0,05$).

1-жадвал

Паркинсон касаллиги билан беморларнинг клиник шаклларига боғлиқ жинс бўйича гуруҳларда тақсимланиши

Беморлар гуруҳи	АРИШ		ТШ		АШ		
	п	%	п	%	п	%	Р
Ўзбекистон							
Эркаклар, n=68	21	30,9±5,60*	17	25,0±5,25	30	44,1±6,02*	$P_{ТШ}<0,05$
Аёллар, n=35	11	31,4±7,84	3	8,6 ±4,74*	21	60,0±8,28*	$P_{ТШ}<0,001$ $P_{АРИШ}<0,01$
Япония							
Эркаклар, n=70	37	52,8±5,97	23	32,9±5,62 $P_{АРИШ}<0,05$	10	14,3±4,18	$P_{АРИШ}<0,001$ $P_{ТШ}<0,05$
Аёллар, n=68	31	45,6±6,04	26	38,2±5,89	11	16,2±4,47	$P_{АРИШ}<0,001$ $P_{ТШ}<0,05$

Изоҳ: ости чизилган кўрсаткичлар Япония гуруҳидаги кўрсаткичлардан ишончли фарқ қилади; * - Ўзбекистон ва Япония беморлари ўртасида жинс бўйича ишончли даражада фарқлар мавжудлиги.

Япон гуруҳида эркакларда II ва III босқичда касаллик дебюти аёллар аналогик гуруҳларига нисбатан анча эрта. Ўзбек гуруҳида II босқичдаги аёлларда касаллик бошланиши (51,4±2,40%) япон гуруҳидаги аёлларга (58,5±2,06%) таққослаганда анча эрта ($P<0,05$). Ўзбек гуруҳида эркакларда касаллик давомийлиги касаллик авж олиши баробарида ошиб боради ($P<0,05$), аёлларда ушбу тенденция кузатилмаган. Касаллик давомийлиги кеч босқичларда эркакларда аёлларга нисбатан ишончли кўпроқ (8,3±0,80 ва 4,7±0,71%, $P<0,05$). Япон гуруҳида IV-V босқичдаги эркакларда касаллик давомийлиги II босқичга нисбатан камроқ.

Касаллик давомийлигини ҳар икки мамлакат орасида таққослаганда, япон гуруҳидаги эркаклар эрта ва кенгайтирилган босқичда (II босқич 9,7±0,88% ва III босқич 9,0±0,83%) ўзбек гуруҳига (II босқич 4,7±0,54% ва III босқич 6,1±0,38%) га нисбатан кўпроқ касаллик давомийлигига эга, кечки босқичларда эса тескари тенденция қайд этилган (IV босқич япон гуруҳидаги эркакларда 5,7±0,91% ва ўзбек гуруҳидаги эркакларда 8,3±0,80%, $P<0,05$).

Ўзбек гуруҳида когнитив бузилишлар касаллик авж олиши мобайнида ҳам эркакларда, ҳам аёлларда ишончли ёмонлашган. Япон гуруҳида фақат

эрта ва кеч босқичдаги эркакларда ишончли фарқ қайд этилган, бунда IV-V босқичларда когнитив функциялар MMSE шкаласи бўйича ёмонлашган. Икки мамлакатни когнитив функциялар бўйича таққослаганда, ўзбек гуруҳидаги эркакларда кенгайтирилган босқичда когнитив функциялари япон гуруҳидаги эркакларга нисбатан анча ёмонроқ бўлгани аниқланган ($24,6 \pm 0,49\%$ ва $26,1 \pm 0,36\%$, $P < 0,05$).

UPDRS III қисми бўйича баҳоланадиган мотор бузилишлар яққоллиги Хен-Яр бўйича босқич билан корреляция қилинган. Гипокинезия ҳаракатларнинг сустлиги, ҳаракатларнинг юзага келиши қийинлиги, кетма-кет ҳаракатларнинг уларнинг амплитудаси ва тезлиги кескин камайиши билан бажарилиши бузилишида намоён бўлган, шунингдек гипомимия, кам пирпираш, гипофония, сўлак оқиши, микрография, ахейрокинез, микробазия, стулдан туришда ва тўшакда бурилишларда қийналиш билан тавсифланган.

ПКда мотор бузилишлар оғирлигига умумий баҳо бериш ўртача баллари халқаро UPDRS шкаласи бўйича ўзбек гуруҳидаги эркаклар ва аёлларда ПК ривожланиши билан ошиб борган (эркакларда II босқичда $16,8 \pm 0,85$, III босқичда $24,2 \pm 0,67$ ва IV босқичда $32,2 \pm 2,06$ ҳамда мос равишда аёлларда - $16,9 \pm 1,46$, $25,2 \pm 1,33$, $33,8 \pm 2,02$ балл, $P < 0,05$). III ва IV босқичдаги беморлар ўзбек ва япон миллатига мансуб шахслардаги мотор бузилишлар намоён бўлиши бўйича ишончли фарқ қилган ($P < 0,05$).

Шундай қилиб, оғирлик даражаси бўйича Хен-Яр бўйича кенгайтирилган (III) босқичдаги беморлар иккала мамлакатда устунлик қилишди. ПК ривожланиб борган сари, ҳам ўзбек, ҳам япон гуруҳларида когнитив функциялар, ҳаёт сифати ва D витамининг концентрацияси каби кўрсаткичлар бир томонлама ёмонлашиши аниқланган. ПК босқичлари бўйича ўтказилган гендер тадқиқотини таҳлил қилганда, ўзбек гуруҳидаги беморларнинг III ва IV босқичларда ҳаракат бузилишлари, шунингдек, III босқичдаги эркак беморларда когнитив бузилишлари япон гуруҳига қараганда сезиларли даражада ёмонроқ эканлиги аниқланган. Ҳар бир мамлакат ичида бир хил гуруҳдаги фарқли кўрсаткичи шундаки, ўзбек гуруҳидаги эркакларда кеч босқичларда касаллик давомийлиги аёлларга нисбатан кўпроқ давом этган. Япон гуруҳида эркакларнинг ўртача касаллик бошланиш ёши II-III босқичларда аёлларга қараганда камроқ, ҳамда III босқичдаги бемор эркаклар аёл беморларга нисбатан ёшроқ (2-жадвал).

Барча беморларда ота-оналари ва уларнинг биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари (буви, бува, хола, амакилари)да ПК классик мотор симптомлари мавжудлиги бўйича сўров ўтказилган. Япон гуруҳида 15 ($10,9 \pm 2,65$) нафар беморда ижобий оилавий анамнез қайд қилинган, улар орасида ПК ТШ бўлган 7 беморлар орасида «ижобий» оилавий анамнез кузатилган, улардан 3 нафари биринчи ва 4 нафари иккинчи қаторда ПК бўйича оилавий мойилликка эга бўлган. АРШ бўлган 8 нафар беморда «ижобий» оилавий тарих кузатилган: ПК биринчи қаторида 5 ҳолат ва иккинчи қаторида 3 ҳолат, шу билан бирга ўзбек миллатига хос беморларда ижобий оилавий тарих 1- ва 2-қаторлар бўйича 9 ($8,7 \pm 2,77$) ҳолатда

аниқланган: улардан 2 нафари ТШ, 4 нафари АРШ ва 3 нафари АШ билан. Икки мамлакат орасида ижобий оилавий анамнез билан беморлар сони таққосланганда ишончлилиқ аниқланмаган ($P>0,05$).

2-жадвал

Ўзбек ва япон миллатидаги беморларда паркинсон касаллигининг клиник кўринишидаги ўзига хос хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Эркаклар			Аёллар		
	I-II	III	IV-V	I-II	III	IV-V
Беморлар сони, %				+	-	
Ёши, йил				-		
Касаллик дебюти, йиллар				-		
Касаллик давомийлиги, йил	-	-	+			-
MoCA (баллар)		+				
MMSE(баллар)		+				
UPDRS III (баллар)		+	+		+	+
PDQ-8 (баллар)						
Вит D (нг/мл)						

Изох: + - кўрсаткичлар Ўзбекистонда баландроқ; - кўрсаткичлар Ўзбекистонда пастроқ.

Нейропсихологик тестлар шуни кўрсатдики, ПК билан оғриган беморларда маълум даражада когнитив бузилишлар (КБ) кузатилган. Ўзбек гуруҳида когнитив бузилишлар 53 (78,0±5,03%) эркакларда ва 21 (60,0 ± 8,28%) аёлларда, япон гуруҳида 44 (62,9±5,77%) эркакларда ва 51 (75,0 ± 5,25%) аёлларда аниқланган. Нейропсихологик текширув шуни кўрсатдики, ўзбек гуруҳидаги эркакларда меъёрий когнитив бузилиш 57,4±6,0%, аёлларда 37,1±8,17%, ўртача деменция даражаси эркакларда 7,4±3,18%, аёлларда 2,9±2,0%ни ташкил қилган ($P<0,05$).

Япон гуруҳида меъёрий когнитив бузилишлар 52,9±5,97% эркакларда ва 60,3±5,93% аёлларда, ўртача деменция даражаси 1,4±1,4% эркакларда, 1,5±1,50% аёлларда аниқланган ($P<0,05$). Мамлакатлараро беморларнинг жинс бўйича когнитив бузилишларнинг яққоллигини маълум кичик гуруҳларда устунлигини таққослаганда, япон миллатидаги меъёрий когнитив бузилишлар бўлган 60,3±5,93% аёллар 37,1±8,17% ўзбек аёлларига нисбатан кўпроқ учраши аниқланган ($P<0,05$). ПК билан оғриган беморларнинг когнитив соҳасини ўрганганда, мўътадил когнитив бузилишларнинг устунлиги ва корреляцион боғлиқлик таҳлили бўйича эса когнитив дисфункция намоён бўлиши касалликнинг ривожланиш босқичига ишончли даражада боғлиқлиги иккала мамлакатда аниқланган ($P<0,05$). Когнитив бузилиш кўрсаткичлари ўзбек гуруҳидаги эркакларда япон гуруҳидаги эркакларга қараганда ишончли даражада пастроқ, ўртача когнитив

бузилишлар япон гуруҳидаги аёлларда ўзбек гуруҳидаги аёлларга қараганда анча кўпроқ учраши аниқланган ($P<0,05$).

ПК билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини таҳлили ўтказилганда, унинг жинсга боғлиқлиги кузатилмаган (эркакларда $16,5\pm0,61\%$ ва аёлларда $15,6\pm0,57\%$, $P>0,05$). Беморларнинг ҳаёт сифати пасайишига ҳаракат бузилишининг яққоллиги, касаллик босқичлари ва когнитив бузилишининг яққоллиги таъсир кўрсатиши ҳам япон, ҳам ўзбек гуруҳларида аниқланган ($P<0,05$).

ПК касаллиги билан оғриган беморларда импульсив-компульсив бузилишлар (ИКБ) ни дастлаб аниқлаш учун қисқа J-QUIP сўровномаси ёрдамида скрининг текширув ўтказилган. Эркак ва аёлларда ПК нинг клиник кўринишларини таққослаганда қуйидаги натижалар олинган: япон гуруҳида эркак беморларда хулқ-атвор касалликлари 1,9 барабар кўпроқ, ўзбек гуруҳида аёллардан фарқли ўлароқ, ИКБ фақат эркак жинси намоёндаларида аниқланган.

ПК билан касалланган беморларнинг даво чораларини таҳлил қилганда, япон гуруҳидаги беморлар леводопа дориларини $90,0\pm3,24\%$ ҳолатларда қабул қилганлиги аниқланган. ЛЭДнинг минимал дозаси кунига 250мг, максимал – кунига 1257 мг, ўртача $661,4\pm19,33$ мг ни ташкил қилган. Ўзбек гуруҳида япон гуруҳидан фарқли ўлароқ, леводопани $81,8\pm4,75\%$ ҳолатларда қабул қилиниши аниқланган, ЛЭД нинг минимал дозаси 200 мг/сут, энг юқори 1200 мг/сут, ўртача $600,6\pm29,69$ мг/сут. Леводопа препаратлари амантадин, антихолинэргик ва бошқа дори воситалар билан қўлланилган.

Япон гуруҳидаги беморларнинг аксарият $81,4\pm4,65\%$ қисми ўзбек $33,3\pm5,80\%$ гуруҳига нисбатан антипаркинсоник дориларни комбинирланган ҳолда қабул қилган ($P<0,05$). Леводопа препаратлари бошқа антипаркинсоник дори воситалари: дофамин рецепторлари (ротиготин, ропинирол), В типдаги МАО ингибитори (селегилин), амантадин ва бошқалар билан комбинирланган. Леводопани монотерапия сифатида $18,6\pm4,65\%$ ҳолларда, ўзбек гуруҳларига нисбатан $66,5\pm5,80\%$ камроқ қўлланилган ($P<0,05$). Леводопанинг суткалик дозаси монотерапия гуруҳида ($539,2\pm79,12$) ва леводопа препаратлари билан комбинацияда ($185,9\pm25,54$) ўзбек гуруҳига нисбатан мос равишда $679,0\pm26,77$ ва $610,0\pm65,74$ камроқ эканлиги аниқланган (3-жадвал).

Япон гуруҳидаги беморларнинг $38,6 \pm 5,82\%$ ва ўзбек гуруҳининг $7,6 \pm 3,26\%$ да J-QUIP шкаласи бўйича импульсив-компульсив бузилишлар (ИКБ) мавжудлиги аниқланган ($P<0,05$). ИКБ мавжуд бўлган беморлар гуруҳини асосан, касаллик дебюти 50 ёшдан олдин бошланган беморлар ташкил қилган (япон гуруҳида $51,9 \pm 9,62\%$ ва ўзбек гуруҳида $66,7 \pm 19,24\%$).

Японияда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига бўйича, ИКБ учраш сонига кўра ПК бўлган $48,1\pm9,62$ беморда қимор ўйинларига мойиллик аниқланган. Эҳтимол, қиморга мойиллик шунчалик кенг тарқалиши Японияда қимор ва казино муассасалари етарлича юқори

тарқалганлиги ҳамда кекса беморлар ва ногиронларнинг моддий яхши таъминганлиги билан боғлиқдир.

3-жадвал

Дофаминергик терапиянинг Паркинсон касаллиги билан хасталанган беморларда қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Япония, n=70		Ўзбекистон, n=66	
Паркинсонга қарши дори воситалари	Леводопа (монотерапия)	Комбинацион даволаш	Леводопа (монотерапия)	Комбинацион даволаш
Беморлар сони, %	18,6±4,65	81,4±4,65	66,7±5,80*	33,3±5,80*
Леводопа дозаси (мг)	539,2±79,12	185,9±25,54	679,0±26,77*	610,0±65,74*
ДРА дозаси (мг)		226,2±13,56		0,0
Амантадин (мг)		190,7±16,24		205,6±5,56
ИКБ сони, %	38,6±5,82		7,6±3,26*	

Изоҳ: * - Ўзбекистон ва Япония беморлари ўртасида жинс бўйича сезиларли даражада фарқлар мавжудлиги

Кейинчалик тадқиқот натижаларига кўра, гиперсексуаллик 55,6±9,56%, компульсив шопинг 66,7±9,07%, компульсив ўта тўйиб овқатланиш 74,1±8,43%, пандинг 77,8±8,0% ва ДДС 81,5±7,47% ортиб борадиган частотага тўғри келади.

Энг кўп ДДС ва пандинг кузатилган, камроқ қимор аниқланган. Ўзбек гуруҳида барча ҳолатларда ДДС, гиперсексуаллик 33,3±19,24%, компульсив шопинг 66,7±19,24%, компульсив ўта тўйиб овқатланиш ва пандинг 83,3±215,22% аниқланган. Айтиш жоизки, текширилган беморларда ИКБ бир неча турларининг комбинацияси кузатилган. Энг кўп пандинг, компульсив ўта тўйиб овқатланиш ва ДДС комбинацияси кузатилган.

